ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВ ШЕРЗОДБЕК ШОКИРЖОН ЎҒЛИ

ИЗОТРОП ФАЗОДА СИРТЛАР НАЗАРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

УДК: 514.125+514.127

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСМОИЛОВ ШЕРЗОДБЕК ШОКИРЖОН ЎҒЛИ

ИЗОТРОП ФАЗОДА СИРТЛАР НАЗАРИЯСИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/FM750 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Артикбаев Абдуллаазиз** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тужилин Алексей Августинович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.3/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 227-12-24, факс: (+99878) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99878) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2022 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Н.К. Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.ф.д. (PhD)

А.Я.Нарманов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда ярим евклид фазода замонавий геометрия масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Ярим евклид фазоларидан бўлган изотроп фазо ўз-ўзига қўшма эканлигидан, сиртларнинг геометрик характеристикаларини тадқиқ қилиш ва қўшма акслантиришда сақланувчи инвариантларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Изотроп фазо геометрияси физиканинг нисбийлик назарияси ва квант механикаси бўлимларининг масалаларини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун изотроп фазода чизиқ ва сиртлар геометрик характеристикаларга доир олинган натижалар ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда изотроп фазонинг чизиқ ва сиртни дифференциал инвариантларини, изотроплик ҳосил қилган ҳоллари геометриясини, сиртлар назариясини, аввалдан берилган катталикларга кўра сиртни тенгламасини топиш масалаларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: изотроп фазо харакатидан ҳосил бўладиган геометрик инвариантларни топиш, мертика ажралган холда сиртларнинг дифференциал характеристикалари аниқлаш, берилган геометрик характеристикалари бўйича чизиқ ва сиртларни тиклаш, махсус олинган метрикага боғлиқ классик масалаларини тадқиқ этиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда фундаментал фанлар, жумладан илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг замонавий йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, сўнгги йилларда ноевклид фазолар геометриясида сиртлар назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Галилей, изотроп ва Минковиский фазоларида чизиқ ва сиртларнинг берилган геомерик характеристикага эга бўлган сирт ёки чизиқларнинг мавжудлик ва ягоналигига доир салмоқли натижаларга эришилди. Математика фанларининг устувор йўналишлари ҳисобланган “алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси, геометрия ва топология, эҳтимоллар назарияси, ва математик моделлаштириш” ихтисосликлар бўйича илмий тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида олиб боришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди[1]. Бу борада дифференциал тенгламалар, комплекс анализ, геометрия ва топология масалаларини хал этишда изотроп фазода сиртлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПК-2789-сон

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

«Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги, 2019 йил 9 июлдаги № ПҚ-4387 "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ЎзР ФА В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Изотроп фазонинг геометрияси мажруҳ матрикали фазо геометриясига ҳосдир. Дастлаб изотроп фазо геометриясига оид ишлар XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Б.А.Розенфельднинг монографиясида псевдоевклид фазо ва яримевклид фазо геометрияси, яъни мажрух метрикали фазоларнинг таърифлари берилган. Уч ўлчовли изотроп фазода эгри чизиқ ва сиртлар геометрияси К. Штурбекер томонидан ўрганилган. Изотроп фазо яримевклид фазоларидан хисобланади. А.Артикбаев ва Д.Д.Соколовларнинг монографияси тадқиқотларининг бир қисмида яримевклид фазода сиртни берилган ташқи эгрилигига кўра тиклаш масаласини хал қилинган.

Изотроп фазода чизиқ ва сиртлар назариясини Х.Сачс, Б. Павковис, Д. Палман, И.Каменарович, Х.Браунер каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. М.С.Лоне ва М.К.Карасенлар тўла ва ўрта эгрилиги ўзгармас бўлганда ёки минимал бўлган кўчирма сиртларни мавжудлиги масаласини кўришган. М.Айдин ва М.Эргутлар ишларида изотроп фазода сиртни тўла эгрилиги берилганда бир жинсли тенглама билан аниқланувчи сиртни топиш масаласини, иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш функциясини топиш масаласи ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги кўрстилган. Ўзбекистонда яримевклид фазо геометрияси билан А.Артикбаев, Э.К. Курбанов, Б.М.Султоновлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган, аммо уларнинг ишлари Галилей геометриясига бағишланган, Галилей геометрияси изотроп фазонинг геометриясидан фарқ қилади.

Маълумки изотроп фазода сиртнинг хар бир нуқтасида иккита нормал вектор мавжутлиги К. Штурбекер томонидан айтилан. Бу нормал векторларга боғлиқ аниқланган геометрик катталиклар хам ўзаро фарқ қилади, лекин улар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиши керак. Аммо, иккита нормалга мос сиртнинг геометрик характеристикалари ўртасида ўзаро мослик аниқланмаган. Бундан ташқари сиртни ихтиёрий тўла эгрилиги берилганда сиртни тиклаш масаласи фақат ҳусусий ҳоллардагина ҳал этилган, умумий холда ечилмаган. Ушбу диссертацияда кўрилган сиртни ўрта эгрилигини иккита нормал бўйича топилганда ўзаро тенг бўлиши, сиртнинг ташқи, шартли ташқи ва тўла эгрилиги бўйича ситрни мавжутлиги, сиртни ихтиёрий тўла ва ўрта эгрилик функцияси берилганда сирт тенгламасини топиш масаласи жуда муҳим бўлсада, бу масала ҳанузгача атрофлича тадқиқ этилмаган. Бу бизнинг мавзумизнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг МРУ-10/2017 “Бошқарув ва дифференциал ўйинлар назариясини ривожлантиришнинг геометрик ва аналитик усулларини ишлаб чиқиш” ва МРУ-ОТ-9/2017 “Кўп ўлчовли комплекс анализ” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади изотроп фазода сиртлар назариясини ўрганиш ва қўшма сиртнинг геометрик характеристикалари билан боғлиқ тўла геометрия масалаларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

кўп ўлчовли изотроп фазода чизиқ ва сиртлар геометрик характеристикаларини топиш;

изотроп сферага нисбатан қўшма сиртни аниқлаш;

махсус нормал ва Евклид нормал аналоги ёрдамида аниқланган қўшма сиртнинг геометрик характеристикалари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

изотроп фазосида берилган дифференциал характеристикаларга кўра сиртларни мавжудлик масаласини ечиш.

Тадқиқот объектини изотроп фазосида сиртлар, сиртларнинг дифференциал характеристикалари, изотроп фазосининг ҳаракати, изотроп сферага нисбатан қўшма сирт ташкил этади.

Тадқиқот предметини фазонинг мажрух метрикаси, сирт нуқтаси атрофидаги соҳа, қўшма сирт, изотроп фазода сиртнинг тўла ва ўрта эгрилиглари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, дифференциал геометрия, дифференциал тенгламалар, функционал анализ ва топологиянинг замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп ўлчамли изотроп фазо чизиқ ва сиртлар геометрик характеристикалари махсус нормал ва евклид нормал аналоги орқали аниқланган ва ҳисоблаш формулаларини махсус нормалдан фойдаланилган холда топилган;

изотроп сферани кесувчи текисликка нуқтани мос қўйиш орқали қўшмалик аниқланиб, бу қўшмалик ёрдамида сфера ичида жойлашган сиртга, сферага нисбатан қўшма сирт тенгламаси топилган;

қўшма сиртнинг тўла эгрилигининг берилган сиртнинг тўла эгрилигига кўпайтмаси бирга тенг эканлиги, махсус нормал ва Евклид нормал аналоги ёрдамида аниқланган қўшма сиртнинг ўрта эгрилигиклари ўзаро тенг эканлиги исботланган;

сиртнинг ташқи эгрилиги, шартли ташқи эгрилиги ва тўла эгрилиги бўйича сиртнинг мавжудлик масалалари ўзаро эквивалент эканлиги ҳақидаги теорема исботланган ва берилган геометрик характеристикаларига кўра сиртларнинг ошкор тенгламалари топилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари изотроп фазода сиртлар назариясини тадқиқ қилиш натижалари дифференциал тенламаларнинг замонавий масаласи бўлган Монж-Ампер тенгламасини ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дифференциал геометрия, дифференциал тенгламалар, дифференциал топология ва функционал анализнинг усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти изотроп фазодаги сиртнинг ташқи эгрилиги, шартли ташқи эгрилиги ва тўла эгрилиги бўйича сиртнинг мавжудлик масалалари ўзаро эквивалент эканлиги исботлашда қўлланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти изотроп фазода сиртларнинг геометрик характеристикалари ва бу фазонинг ҳаракати тадқиқ қилиниши, олинган натижаларни дифференциал тенгламалар, комплекс анализда ва айрим тўла геометрия масалаларининг ечимини физик масалаларига қўлланилиши мумкинлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Изотроп фазода сиртлар назарияси бўйича олинган натижалар асосида:

Изотроп фазосида сферага нисбатан қўшма акслантириш, бу акслантириш ёрдамида хосил бўлган сирт ва унинг геометрик характеристикаларига доир натижалар ФЗМВ-20160914085438 “Яримўтказгичли қоришмалар ва кучли лигерланган яримўтказгичлар энергетик спектрларини тад-қиқ қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг физик жараёнларда энергияни минималлаштириш масаласини ечишда қўлланилган (Наманган муҳандислик технология институтининг 2022 йил 16 сентабрдаги № 1927-024 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши изотроп фазонинг қўшма акслантиришидан фойдаланилган холатда Лагранж функциясидан гамильтониан функцияга ўтиб энергияни минималлаштириш масаласини ҳал қилиш имконини берган;

Изотроп фазода харакатини аниқловчи носимеметрик матрицалар тасирида сақланувчи сиртнинг геометрик характеристикалари бўйича олинган натижалар ОТ-Ф4-04(05)-сонли шартномага асосан бажарилган “Спектрал усулни матрицавий ночизиқли эволюцион тенгламаларни ечишга татбиқлари; Юрак-қон томир тизими биомеханикаси” мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг матрицавий ночизиқли эволюцион тенгла-маларни ечишда қўлланилган (Урганч Давлат Унверситетининг 2022 йил 5 сентабрдаги 04-

196/10 рақамли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ноортоганал ва носимметрик матрицалар билан боғлиқ бўлган ночизиқли тенгламалар, изотроп фазонинг харакати ва бу фазога тегишли сиртларнинг хоссаларини ифода этувчи тўла эгрилик, нормал эгрилик, хамда мусбат аниқланмаган метрикаларга боғлиқ эканлиги ночизиқли дифференциал тенгламаларини ечишга, ечим хоссаларини геометрик усулда аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 8 та халқаро ва 6 та республика, илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссетациянинг ҳажми 91 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Изотроп фазодаги асосий тушунчалар”** деб номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат. Диссертациянинг ушбу бобида изотроп фазо, сиртлар назарияси, ва изотроп фазода сиртнинг асосий геометрик характеристикалари хақида асосий тушунчалар берилган. Бундан ташқари, баъзи олинган натижалар исботлари билан тақдим этилган.

A_{n+1} аффин фазосида $Ox_i\ (i=1...n+1)$ координаталар системаси бўлсин. $\vec{X}(x_1,x_2,...,x_{n+1})$ ва $\vec{Y}(y_1,y_2,...,y_{n+1})$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси қуйидаги формула бўйича аниқлансин

$$(\vec{X},\vec{Y})=\begin{cases}\sum_{i=1}^{n}x_iy_i & \text{если } \sum_{i=1}^{n}x_iy_i\neq 0\\ x_{n+1}y_{n+1} & \text{если } \sum_{i=1}^{n}x_iy_i=0\end{cases} \tag{1.1.1}$$

Таъриф 1.1.4. Векторларнинг скаляр кўпайтмаси (1.1.1) формула билан аниқланган A_{n+1} аффин фазо R^n_{n+1} изотроп фазо дейилади.
(1.1.1) скаляр кўпайтма мажрух скаляр кўпайтма дейилади.

Тасдиқ 1.1.1. R^n_{n+1} изотроп фазоси $(n+2)-$ўлчовли ${}^1R_{n+2}$ Минковский фазосининг қисм фазоси бўлади .

R^n_{n+1} фазода A ва B нуқталар орасидаги масофа қуйидаги формула бўйича хисобланади

$$|AB|=\begin{cases} |AB|_1=\sqrt{\sum\limits_{i=1}^{n}(y_i-x_i)^2} & \text{если } \sqrt{\sum\limits_{i=1}^{n}(y_i-x_i)^2}\neq 0 \\ |AB|_2=|y_{n+1}-x_{n+1}| & \text{если } x_i=y_i \quad (i=\overline{1..n}) \end{cases} \qquad (1.1.2)$$

Изотроп фазо аффин фазоси бўлганлиги учун (1.1.2) формула билан аниқланган масофани сақловчи аффин алмаштириши мавжуд. Бу алмаштириш R^n_{n+1} изотроп фазонинг харакати деб аталади ва ушбу формула билан берилади:

$$X'=A\cdot X+B \qquad A=\left(\begin{array}{cccc|c} & & & & 0\\ & A_E & & & \vdots\\ & & & & 0\\ \hline h_1 & h_2 & \dots\ h_{n-1} & h_n & 1\end{array}\right). \qquad (1.1.3)$$

бу ерда $A_E=(a_{ij})_{\substack{i=1..n\\ j=1..n}}$ - R_n евклид фазо харакат матрицаси, $B^T=\begin{pmatrix} b_1 & \dots & b_{n+1}\end{pmatrix}$ вектор бўйича параллел кўчириш ва $\begin{pmatrix} h_1 & \dots & h_n & 1\end{pmatrix}$ координата бўйича сирпантириш.

R^n_{n+1} да қуйидаги вектор тенглама билан берилган регуляр сиртни қарайлик

$$\vec{r}(u_1,u_2,...,u_n)=\left(x_i(u_1,u_2,...,u_n)\,|\,(u_1,u_2,...,u_n)\in D\subset R_n,\ i=\overline{1.(n+1)}\right). \qquad (1.2.6)$$

Сиртнинг биринчи квадратик формасини қуйидагича аниқлаймиз:

$$I_1=dr^2=\sum_{i=1}^{n}\sum_{j=1}^{n}g_{ij}du_idu_j \qquad (1.2.8)$$

бу ерда g_{ij} - биринчи квадратик форма коэффициенти ва $g_{ij}=\sum\limits_{k=1}^{n}\frac{\partial x_k}{\partial u_i}\frac{\partial x_k}{\partial u_j}$ ифода билан хисобланади. Агар $d\vec{r}-$вектор Ox_{n+1} ўқига параллел бўлиб қолса, биринчи квадратик форма $I_1=0$ бўлади. Бунда қўшимча биринчи квадратик форма аниқланади

$$I_2=dr^2=dx_{n+1}. \qquad (1.2.9)$$

Икки векторнинг (1.1.1) скаляр кўпайтмасининг биринчи қисми нолга тенг бўлса, бу икки вектор отрогонал дейилади. Ox_{n+1} ўқи бўйича йўналган

$\vec{e}_{n+1}$ – вектор, R_{n+1}^n фазодаги барча Ox_{n+1} ўқига параллел бўлмаган векторларга ортогонал бўлади.

Шининг учун $\overrightarrow{n_m} = \vec{e}_{n+1}$ вектор барча текисликлар учун нормал вектор бўлади. Бундан келиб чиқадики (1.2.7) сиртнинг урунма текислигининг нормали $\overrightarrow{n_m}$ вектор билан мос тушади. Бу $\overrightarrow{n_m}$ векторни махсус нормал деб атаймиз.

Баъзи масалаларни хал қилишда қулайлик учун сиртнинг нормалини қуйидагича аниқлаймиз

$$\vec{n} = \frac{[\overrightarrow{r_{u_1}}, \overrightarrow{r_{u_2}}, ..., \overrightarrow{r_{u_n}}]}{\left|[\overrightarrow{r_{u_1}}, \overrightarrow{r_{u_2}}, ..., \overrightarrow{r_{u_n}}]\right|}. \qquad (1.2.10)$$

Бу нормал Евклид нормалини аналогидир.

Евклид фазоси каби сиртнинг иккинчи квадратик формасини иккинчи тартибли дифференсиал $d^2\vec{r}$ ни нормал векторга скаляр кўпайтмаси сифатида аниқланади. Биз сиртнинг иккита нормали $\vec{n}$ – нормал ва $\overrightarrow{n_m}$ – махсус нормалларни қараётганлигимиз сабабли иккинчи квадратик форма нормал векторга боғлиқ равишда қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$II = (d^2\vec{r}, \vec{N}) = \sum_{i,j=1}^{n} D_{ij} du_i du_j , \qquad (1.2.11)$$

бу ерда $D_{ij} = (r_{u_i u_j}, n)$ иккинчи квадратик форма коэффициенти, у қуйидагича хисобланади:

1. Агар $\vec{N} = \overrightarrow{n_m}$ бўлса, $D_{ij} = \dfrac{\partial^2 x_{n+1}}{\partial u_i \partial u_j}$,
2. Агар $\vec{N} = \vec{n}$ бўлса, $D_{ij} = (\overrightarrow{r_{u_i u_j}}, \vec{n})$ хисобланади.

Хусусий холда, сиртнинг тенгламаси қуйидагича берилган бўлсин

$$x_{n+1} = f(x_1, x_2, ..., x_n), \qquad (1.2.12)$$

бу ерда $(x_1, x_2, ..., x_n) \in D \subset R_n$, у холда

$$II = \sum_{i,j=1}^{n} \frac{\partial^2 f}{\partial x_i \partial x_j} du_i du_j . \qquad (1.2.13)$$

Регуляр Φ_1 ва Φ_2 – сиртларни қарайлик.

Теорема 1.2.1. Агар Φ_1 ва Φ_2 регуляр параметрланган сиртнинг би-ринчи квадратик формаси пропорционал бўлса $I_{\Phi_1} = \lambda(u_1, u_2, ..., u_n) I_{\Phi_2}$, биринчи сирт иккинчисига мос координаталар бўйича акслантириш конформ бўлади.

Тескари, агар Φ_1 ва Φ_2 сиртларнинг бир хил координатадаги нуқтада конформ мослик бўлса, у холда биринчи квадратик формалари ўзаро пропорционал бўлади $I_{\Phi_1} = \lambda(u_1, u_2, ..., u_n) I_{\Phi_2}$.

Сиртнинг текислик билан кесимини кўриб чиқайлик. F сиртни π текислик билан кесимида хосил бўлган эгри чизиқни γ_n нормал кесим деб аталади.

Таъриф 1.3.1. Сиртнинг τ йўналишдаги k_P нормал эгрилиги деб γ_n чизиқнинг P нуқтадаги эгрилигига айтилади.

R_{n+1}^n изотроп фазода иккинчи сферани, барча йўналишлари бўйича нормал эгрилиги ўзгармас бўлган сирт сифатида аниқланади. Бу сирт

$$x_{n+1} = \frac{1}{2}\sum_{i=1}^{n} x_i^2 . \tag{1.3.2}$$

тенглама билан берилади.

Таъриф 1.3.2. R_{n+1}^n изотроп фазода (1.3.2) тенглама билан берилган сирт изотроп сфера дейилади.

Изотроп фазода метрик сфера деб маълум бир нуқтадан тенг узоқлик-даги нуқталарнинг геометрик ўрнига айтилади. Бундай тарзида аниқланган, маркази координаталар бошида бўлган бирлик сфера қуйидаги тенгламага ега бўлади

$$\sum_{i=1}^{n} x_i^2 = r^2 , \tag{1.3.3}$$

бу сферани биз R_{n+1}^n изотроп фазода метрик сфера деб атаймиз.

Сиртнинг асосий геометрик характеристкалари ўрта ва тўла эгриликлардир. Ўрта эгрилик қуйидагича хисобланади

$$H = \frac{\sum\limits_{k,\alpha=1}^{n} D_{k\alpha} g^{k\alpha}}{n}, \tag{1.3.7}$$

ва тўла эгрилик еса

$$K = \frac{\det\left|\left(D_{ij}\right)_{i,j=\overline{1.n}}\right|}{\det\left|\left(g_{ij}\right)_{i,j=\overline{1.n}}\right|} . \tag{1.3.8}$$

Тасдиқ 1.3.1. Изотроп фазода (1.2.12) сиртнинг тўла эгрилиги нормал ва махсус нормал бўйича хисобланганда ўзаро тенг бўлади, яъни $K = K_m$.

Диссертациянинг **“R_{n+1}^n изотроп фазода сиртларнинг қўшмалиги”** деб номланувчи иккинчи боби учта параграфдан иборат. Диссертациянинг ушбу бобида изотроп сфера ичида жойлашган сиртга қўшма сирт аниқланди ва ўрганилди. Сиртнинг тўла эгрилиги ва унинг қўшма тасвирининг тўла эгрилиги ўртасида боғлиқлик топилди.

Бирлик (1.3.2) тенглама билан берилган изотроп сферани қарайлик ва Ox_{n+1} ўқига параллел бўлмаган

$$x_{n+1} = \sum_{i=1}^{n} A_i x_i + C \tag{2.1.1}$$

тенглама билан берилган $n-$ўлчовли текислик бу изотроп сфера билан кесишсин. Энди (1.3.2) сферанинг (2.1.1) текислик билан кесимини айрим хоссаларини келтирамиз.

Лемма 2.1.2. Изотроп фазода изотроп сферанинг (2.1.1) текислик билан кесими хар доим эллиписоид бўлади.

Изотроп сферанинг (2.1.1) текислик билан кесимини Γ билан белгилайлик. Γ кесимдаги нуқталарда изотроп сферага уринувчи $n-$ ўлчовли текисликлар тўпламини $\{\pi\}$ орқали белгилаймиз.

Теорема 2.1.1. Γ тўпламнинг нуқталарида изотроп сферага уринувчи барча $\{\pi\}$ текисликлар бир нуқтада кесишади.

Агар кесувчи текислик (2.1.1) тенглама билан берилган бўлса, бу Γ кесимдаги нуқталарда изотроп сферага уринувчи текисликлар $(A_1, A_2, ..., A_n, -C)$ координатали нуқтада кесишади.

Таъриф 2.2.1. $(A_1, A_2, ..., A_n, -C)$ нуқтани изотроп сферага нисбатан (2.1.1) текисликка қўшма нуқта деб аталади.

R^n_{n+1} да F сирт

$$x_{n+1} = f(x_1, x_2, ..., x_n) \tag{2.2.1}$$

тенглама билан берилган бўлсин.

Биз $\{H\}$ билан $f(x_1, x_2, ..., x_n) = H$ сатх сиртлари изотроп сфера ва $x_{n+1} = H$ текислик кесими бўлган Γ билан устма-уст тушган сиртлар тўпламини белгилаймиз. Бундан ташқари $\{H\}$ сиртлар изотроп сфера ичига тегишли ва қавариқ бўлишини талаб қиламиз, сиртлар $x_{n+1} = 0$ текисликнинг D соҳасига бир қийматли проекцияланади.

Лемма 2.2.1. Араг (2.1.1) регуляр сирт бўлса, уринма текислигига қўшма нуқта

$$\{ f'_{x_1}; \quad f'_{x_2}; \quad \dots \; ; \quad f'_{x_n}; \quad \sum_{i=1}^{n} x_i \cdot f'_{x_i} - f \}. \tag{2.2.2}$$

координатага ега бўлади.

Таъриф 2.2.2. F^* сиртни F сиртга изотроп сферага нисбатан, қўшма сирт деб атаймиз.

Натижа 2.2.1. Агар F регуляр булса, F^* сирт тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$\begin{cases} x_i^* = f'_{x_i}(x_1, x_2, ..., x_n) \quad i = \overline{1.n} \\ x_{n+1}^* = \sum_{i=1}^{n} x_i \cdot f'_{x_i}(x_1, x_2, ..., x_n) - f(x_1, x_2, ..., x_n) \end{cases} \tag{2.2.4}$$

Теореме 2.2.1. Агар сирт $F \in \{H\}$ бўлса, у холда F^* сирт $D^* \subset D$ соҳага бир қийматли проексияланувчи қавариқ сирт бўлади.

Изотроп фазо ўз-ўзига қўшма бўлганлиги сабабли, проектив қўшмалик мавжуд. Сферани ташқи қисмидан ички қисмига акслантирувчи қўшмаликни аниқлаш мумкин. Бунда изотроп сферани кесиб ўтмайдиган текисликка сферани ички қисмидан нуқта мос қўямиз.

Агар $F \in \{H\}$ ва F^* - регуляр сирт бўлса, қуйидаги теорема бажарилади.

Теореме 2.2.2. F^* сиртнинг қўшма образи F сиртга мос келади, яъни $F^{**} = F$.

Лемма 2.3.1. Уч ўлчовли фазода сиртнинг тўла эгрилиги $K = 0$ бўлса, унинг қўшма образи нуқта ёки эгри чизиқ бўлади.

Лемма 2.3.2. Сирт ва унинг қўшма образининг иккинчи квадратик формалари ўртасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$II = (-1)^{n+2} II^*.$$

Натижа 2.3.1. Уч ўлчовли фазода сирт ва унинг қўшма образининг иккинчи квадратик формалари тенг, яъни $II = II^*$.

Теорема 2.3.1. F сиртнинг тўла эгрилиги K ва F^* қўшма сиртнинг K^* тўла эгрилигига кўпайтмаси бирга тенг бўлади, яъни $K \cdot K^* = 1$.

Энди уч ўлчовли изотроп фазода қўшма сиртлар учун бажариладиган баъзи хоссаларни кўриб чиқайлик. Сиртни $\vec{n}_m(0,0,1)$ махсус нормалга нисбатан ўрта эгрилигини аниқлаймиз. Бу ўрта эгриликни махсус ўрта эгрилик деб атаймиз ва H_m билан белгилайлик.

Теорема 2.3.2. Кўшма сиртнинг нормал ва махсус нормалга кўра аниқланган ўрта эгриликлари ўзаро тенг бўлади $H^* = H_m^*$.

Биз F сирт, унинг қўшма образи F^*, $Z_1 = f_u(u,v)$ ва $Z_2 = f_v(u,v)$ сиртларни кўриб чиқайлик.

Ω билан қуйидаги детерминантни белгилаймиз:

$$\Omega = \begin{vmatrix} f_{uuu} & f_{uvv} \\ f_{uuv} & f_{vvv} \end{vmatrix} = f'''_{uuu} f'''_{vvv} - f'''_{uuv} f'''_{uvv} \ . \qquad (2.3.9)$$

Теорема 2.3.3. Агар $\Omega = 0$ бўлса, F^* сиртнинг махсус эгрилигини F, Z_1 ва Z_2 сиртларнинг махсус эгрилиги орқали ифодалаш мумкин.

Қуйидаги тенглама билан берилган $\{\Phi\}$ синфини ўрганайлик

$$\Phi : \{z = a_{11}x^2 + 2a_{12}xy + a_{22}y^2 + 2a_{31}x + 2a_{32}y + a_{33}\} \qquad (2.3.10)$$

Натижа 2.3.2. Агар $\Phi_0 \in \{\Phi\}$ бўлса, унинг тўла ва махсус тўла эгриликлари тенг, ва улар нолга тенг бўлади.

Натижа 2.3.3. Кўшма акслантиришда F нинг асимтотик йўналишига F^* нинг асимтотик йўналиши мос келади.

Лемма 2.3.6. Сиртнинг $M \in F$ нуқтаси ва унинг қўшма образи $M^* \in F^*$ нуқта бир нормал текисликка тегишли бўлади.

Теорема 2.3.4. Агар F минимал сирт бўлса қўшма акслантириш конформ акслантириш бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Берилган геометрик характеристикаларга кўра сиртни тиклаш ва Монж-Ампер тенгламасини ечиш»** деб номланиб учта параграфдан иборат. Диссертатциянинг мазкур бобида изотроп фазода тўла геометриянинг баъзи муоммолари ўрганилган. Сиртни ташқи эгрилигига кўра, шартли ташқи эгрилигига кўра ва тўла эгрилигига кўра тиклаш масалалари ўзаро эквивалент эканлиги исботланган. Монж-Ампер тенгламасининг ошкор ечимлар синфи берилди. Тўла эгрилиги берилганда кўчирма сиртлар синифи учун сирт тенгламаси топилган.

Умумий холда кўчирма сиртнинг вектор тенгламасини

$$\vec{r}(u,v) = \vec{\alpha}(u) + \vec{\beta}(v), \qquad (3.1.1)$$

кўринишда ёзиш мумкин, бу ерда $\vec{\alpha}(u)$; $\vec{\beta}(v) -$ вектор тенглама.

1-холат. Агар сирт изотроп фазода Oxy текислигига бир қийматли проексияланиб, ва қуйидаги тенглама билан берилган бўлса

$$\vec{r}(u,v) = u\cdot\vec{i} + v\cdot\vec{j} + (f(u)+g(v))\cdot\vec{k}. \tag{3.1.2}$$

Мос равишда, қўшма сиртнинг тўла ва ўрта эгрилиги қуйидагинга тенг

$$K^* = \frac{1}{f''_{uu}(u)\cdot g''_{vv}(v)}, \tag{3.1.3}$$

$$H^* = \frac{f''_{uu}(u)+g''_{vv}(v)}{f''_{uu}(u)g''_{vv}(v)}. \tag{3.1.4}$$

2-холат. Агар кўчирма сирт Oxz текислигига ўзаро бир қийматли проексияланса. Еслатиб ўтамиз, бу текислик Галлий текислиги бўлади. У холда кўчирма сиртнинг вектор тенгламаси қуйидагича бўлади

$$\vec{r}(u,v) = u\cdot\vec{i} + (f(u)+g(v))\cdot\vec{j} + v\cdot\vec{k}. \tag{3.1.5}$$

Мос равишда бу холат учун қўшма сиртнинг тўла ва ўрта эгрилиги қуйидагинга тенг

$$K^* = \frac{g'^4_v(v)}{f''_{uu}(u)\cdot g''_{vv}(v)}, \tag{3.1.6}$$

$$H^* = \frac{f''_{uu}(u)g'^3_v(v) + g'_v(v)g''_{vv}(v)\left(1+f'^2_u(u\right)}{2f''_{uu}(u)g''_{vv}(v)} \tag{3.1.7}$$

3-холат. Агар сирт Oyz текислигига бир қийматли проексияланганда ва параметирлашни махсус тарзида танланганда сирт тенгламаси қуйидагича бўлсин:

$$\vec{r}(u,v) = \frac{1}{2}\left(f(u)+g(v), u-v+\pi, u+v\right). \tag{3.1.8}$$

Мос равишда 3-холат учун қўшма сиртнинг тўла ва ўрта эгрилиги қуйидагинга тенг

$$K^* = \frac{\left(f'_u(u)+g'_v(v)\right)^4}{16f''_{uu}(u)\cdot g''_{vv}(v)}, \tag{3.1.10}$$

$$H^* = \frac{\left(f'_u(u)+g'_v(v)\right)\left(f''_{uu}(u)\left(1+g'^2_v(v)\right)+g''_{vv}(v)\left(1+f'^2_u(u)\right)\right)}{16f''_{uu}(u)\cdot g''_{vv}(v)}. \tag{3.1.11}$$

$f(u)$ и $g(v)$ фунциялар ушбу шартларни қаноатлантирсин $f'(u)+g'(v)\neq 0$ ва $f'(u)\neq const,\quad g'(v)\neq const$.

М.С.Лоне ва М.К.Карасен ишларида сиртни тиклаш масаласини кўчирма сиртлар учун $H^* = const$ бўлган холда хал қилган.

Биз бу масалани қўшма сиртнинг $H^* -$ ўрта эгрилиги махсус берилган функциялар бўлган холда хал қиламиз.

Агар

$$H^* = \varphi(u) + \psi(v) \tag{3.1.12}$$

функция $D\subset R_2$ соҳада аниқланган ва $\varphi(u)$, $\psi(v)$ функциялар узликсиз бўлсин.

1-холат учун қуйидаги теорема ўринли бўлади:

Теорема 3.1.1. Агар сирт (3.1.2.) кўринишга эга бўлиб F^* сиртнинг ўрта эгрилиги берилган бўлса, сирт тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1. $H^*=0$ бўлса, F сирт тенгламаси

$\vec{r}_\lambda(u,v)=u\vec{i}+v\vec{j}+(\frac{\lambda}{2}u^2-\frac{\lambda}{2}v^2+C_1u+C_2v+C)\vec{k}$ кўринишда бўлади.

2. $H^*=C_0 \quad (C_0\neq 0,\ C_0=const)$ бўлса, F сирт тенгламаси

$\vec{r}_\lambda(u,v)=u\vec{i}+v\vec{j}+(\frac{u^2}{2\lambda}+\frac{v^2}{2(2C_0-\lambda)}+C_1u+C_2v+C)\vec{k}$ кўринишда бўлади.

3. $H^*=\varphi(u)+\psi(v)$, бўлса, F сирт тенгламаси

$$\vec{r}_\lambda(u,v)=u\vec{i}+v\vec{j}+\left(\int\left[\int\frac{du}{\lambda+2\varphi(u)}\right]du+\int\left[\int\frac{dv}{2\psi(v)-\lambda}\right]dv+C_1u+C_2v+C\right)\vec{k} \quad (3.1.13)$$

кўринишда бўлади.

Иккинчи холатдаги, яъни (3.1.5) тенглама билан берилган сиртлар учун қўшма сиртнинг ўрта эгрилиги берилганда сиртни мавжудлик масаласини қарайлик, бу масала фақат $H^*=0$ ва $H^*=C\ (C=const)$ бўлганда ечими М.К.Каракенли ва М.С.Лоненинг ишларида бор.

Лемма 3.1.1. Агар $H^*=\psi(v)$ бўлса, F сиртнинг тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\vec{r}_\lambda(u,v)=u\cdot\vec{i}+\left(-\lambda\ln\left|\cos\left(\frac{u}{\lambda}+C_1\right)\right|+\int\mu(v)dv+C_2\right)\cdot\vec{j}+v\cdot\vec{k}. \quad (3.1.15)$$

Бу ерда $\mu(v)$ функция $\mu'(v)\left(2\psi(v)-\lambda\mu(v)\right)-\mu^3(v)=0$ дифференциал тенгламанинг ечими.

Учинчи холатда, сирт (3.1.8) тенглама билан ифодаланадиган сиртлар синфига тегишли бўлса, қўшма сиртнинг ўрта эгрилиги

$$H^*=\left(\eta(u)+\mu(v)\right)\left(\xi(u)+\rho(v)\right), \quad (3.1.16)$$

шаклида бўлганда сиртнинг мавжудлик масаласи ечимга эга бўлади, яъни қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3.1.3. Қўшма сиртнинг ўрта эгрилиги (3.1.16) шакилда берилганда, $\eta(u),\mu(v),\xi(u),\rho(v)$ функциялар

$$\frac{1+\eta(u)}{\eta'(u)}=16\xi(u),\quad \frac{1+\mu(v)}{\mu'(v)}=16\rho(v)$$

шартларни қаноатлантирса, (3.1.8) шаклдаги тенгламага эга бўлган сирт мавжуд.

Қўшма сиртнинг тўла эгрилиги берилган бўлса сиртни тенгламасини топиш масаласини қарайлик.

$$K^*=\varphi(u)\cdot\psi(v)\neq 0 \quad (3.2.1)$$

функция $D\subset R_2$ соҳада аниқланган ва бу ерда $\varphi(u),\ \psi(v)$ -узлуксиз ва нолдан фарқли функциялар бўлсин.

Биринчи хол учун қуйидаги лемма ўринли:

Лемма 3.2.1. Агар $K^* = \varphi(u)\psi(v)$ функция берилган бўлса, у холда қўшма акслантиришдаги образининг тўла эгрилиги берилган функцияга тенг бўлган

$$\vec{r_\lambda}(u,v) = u\cdot\vec{i} + v\cdot\vec{j} + \left(\int\left[\int\frac{1}{\lambda\cdot\varphi(u)}du + C_1\right]du + \int\left[\int\frac{\lambda}{\psi(v)}dv + C_2\right]dv + C\right)\cdot\vec{k} \quad (3.2.2)$$

тенглама билан аниқланувчи сирт мавжуд. Бу ерда C_1, C_2, C - ўзгармас сонлар ва $\varphi(u),\ \ \psi(v)\in C^2(D)$.

Теорема 3.2.1. Агар сирт 1-холда ва $K^* = C_0 = \mathrm{co}nst \neq 0$ бўлса, у холда сирт тенгламаси қуйидагича:

$$\vec{r}(u,v) = u\vec{i} + v\vec{j} + (\frac{C_o}{2}u^2 + \frac{1}{2C_0}v^2 + C_1u + C_2v + C)\vec{k}.$$

Агар (3.2.1) бўлса, у холда сирт тенгламаси (3.2.2) формула билан берилади.

Агар қўшма сиртнинг тўла эгрилиги $K^* = K^*(u,v) \neq \varphi(u)\psi(v)$ ўзгарувчилари бўйича ажралувчи бўлмаса, у холда кўчирма сиртлар тўпламида масаланинг ечими мавжуд емас.

Натижа 3.2.1. Агар K - (3.2.1) шакилда берилса, у холда $D = \{a \le x,\ b \le y : a,b \in R\}$ соҳада тўла эгрилиги $K -$ бўлган сирт мавжуд ва тенгламаси қуйидагича

$$F : \left\{\left(x, y, \lambda\int_a^x (x-t)\varphi(t)dt + \frac{1}{\lambda}\int_b^y (y-\xi)\psi(\xi)d\xi\right) : (x,y)\in D\right\}.$$

Иккинчи холдаги сирт учун қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3.2.2. Агар $K^* = \varphi(u)\psi(v)$ функция берилган бўлса, қўшма акслантиришдаги образининг тўла эгрилиги берилган функцияга тенг бўлган

$$\vec{r_\lambda}(u,v) = u\cdot\vec{i} + \left(\int\left[\int\lambda\varphi(u)du + C_1\right]du + \int\left[-\frac{1}{\frac{3}{\lambda}\int\frac{1}{\psi(v)}dv + C_2}\right]dv + C\right)\cdot\vec{j} + v\cdot\vec{k}$$

(3.2.6)

тенглама билан аниқланувчи сирт мавжуд. Бу ерда C_1, C_2, C - ўзгармас сонлар ва $\varphi(u),\ \ \psi(v)\in C^2(D)$.

Учинчи холдаги сирт учун қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3.2.3. Агар $K^* = \varphi(u)\psi(v)$ функция берилган бўлса, қўшма акслантиришдаги образининг тўла эгрилиги берилган функцияга тенг бўлган

$$\vec{r_\lambda}(u,v) = \frac{1}{2}\left(\int\left[\int\frac{16\lambda^4}{\varphi(u)}du + C_1\right]du + \int\left[\int\frac{16\lambda^4}{\psi(v)}dv + C_2\right]dv + C\right)\cdot\vec{i} + \frac{1}{2}(u - v + \pi)\cdot\vec{j} + \frac{1}{2}(u+v)\cdot\vec{k}$$

(3.2.7)

тенглама билан аниқланувчи сирт мавжуд. Бу ерда C_1, C_2, C - ўзгармас сонлар ва $\varphi(u),\ \ \psi(v)\in C^2(D)$.

Уч ўлчовли изотроп фазосида сиртни ташқи ва тўла эгрилигига оид баъзи масалаларни кўриб чиқамиз. Бу ўрганилаётган масалалар Монж-Ампер тенгламасининг ечими билан боғлиқ. Биз Монж-Ампер тенгламаси ечимларининг геометрик маъносига эътибор қаратамиз.

Агар F регуляр сирт $z=f(x,y)$ тенглама билан берилган бўлса, унинг тўла эгрилиги

$$K=f_{xx}f_{yy}-f_{xy}^2. \quad (3.3.1)$$

формула билан хисобланади.

Агар сирт регуляр сирт бўлса, у холда сферик акслантириш бир қийматли бўлади. Изотроп фазода $M\subset F$ нуқталар тўплами метрик сферига сферик акслантирилганда мос равишда M' нуқталар тўплами хосил бўлади.

Таъриф 3.3.1. Изотроп фазода $M\in F$ тўпламнинг ташқи эгрилиги деб метрик сферадаги M' тўпламнинг $S(M')$ (мера) юзасига айтилади.

Изотроп фазода $M\subset F-$ тўплам ва унинг изотроп сферага нисбатан қўшма акслантиришдаги $M^*\subset F^*-$ тўплам образи бўлсин.

Таъриф 3.3.2. Изотроп фазода $M\in F$ тўпламнинг шартли ташқи эгрилиги деб $M^*\subset F^*$ тўпламнинг $\mu_F(M)=S(M^*)$ (мера) юзасига айтилади.

Евклид фазода сиртни тўла эгрилиги функцияси $K(u,v)$ берилганда ёки $\omega_F(M)$ ташқи эгрилиги функцияси берилганда сиртни мавжудлик ва ягоналик масаласи каралади. Изотроп фазода бу масалаларга учунчи масала хам қўшилади, яъни $\mu_F(M)$ шартли ташқи эгрилик функцияси бўйича сиртни тиклаш масаласи. Аммо бу масалалар ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд, қуйидаги теоремада ифодаланган.

Теорема 3.3.1. Сиртни тўла эгрилиги бўйича, ташқи эгрилиги бўйича ва шартли ташқи эгрилиги бўйича тиклаш масалалари изотроп фазода ўзаро эквивалент бўлади.

Изотроп фазо харакати ва Монж-Ампер тенгламасининг ечими билан боғлиқ бази тасдиқларни келтирамиз.

Айта оламизки, агар $z=f(x,y)$ функция (3.3.1) Монж-Ампер тенгламасининг ечими бўлса, у холда $z=f(x,y)+C_1x+C_2y+C$ функция ҳам ечими бўлади.

Лемма 3.3.1. Изотроп фазода $z=f(x,y)+C_1x+C_2y+C$ функция билан аниқланган сиртни, изотроп фазо харакати ёрдамида $z=f(x,y)$ сирт орқали хосил қилинади.

Натижа 3.3.1. $f(x,y)=\dfrac{a}{2}(x^2-y^2)+C_1x+C_2y+C$ сирт доимий ўзгармас манфий тўла эгриликка ега сирт.

Теорема 3.3.2. Агар U сиртнинг тўла эгрилиги нолга тенг бўлса, $\chi=\chi(U)$ сиртнинг ҳам тўла эгрилиги нолга тенг бўлиши учун у қўйидаги шартни қаноатлантириши зарур ва етарли

$$U_x'^2U_{yy}''+U_{xx}''U_y'^2-2U_x'U_y'U_{xy}''=0, \quad (3.3.5)$$

бу ерда $\chi(U)\in C^2$.

Натижа 3.3.2. $U(x,y)=C_1x+C_2y+C$ функция теоремадаги (3.3.5) шартни қаноатлантиради. Бундан $\chi=\chi(C_1x+C_2y+C)$ сиртниг тўла эгрилиги нолга тенг бўлади.

Икки регуляр $U(x,y)$ ва $V(x,y)$ сиртларнинг йиғиндиси бўлган $z(x,y)$ фунцияни кўриб чиқайлик, яъни

$$z(x,y)=U(x,y)+V(x,y)\,. \tag{3.3.6}$$

Ушбу $z(x,y)$, $U(x,y)$ ва $V(x,y)$ сиртларнинг тўла эгриликлари орасида ўзаро муносабатни текширамиз. Сиртларнинг тўла эгрилкларини мос равишда K, K_1, ва K_2 билан белгилаб олайлик.

Теорема 3.3.3. Агар $U(x,y)$ ва $V(x,y)$ функциялар

$$U_{xx}V_{yy}+U_{yy}V_{xx}-2U_{xy}V_{xy}=0 \tag{3.3.7}$$

Дифференсиал тенгликни қаноатлантирса. У холда $z(x,y)$ сиртнинг тўла эгрилиги бу фунцсияларнинг тўла эгриликлар йиғиндисига тенг бўлади:

$$K=K_1+K_2\,.$$

Натижа 3.3.3. Агар $U(x,y)$ ва $V(x,y)$ функциялар Коши-Риман шартини қаноатлантирса, у холда функциялар (3.3.7) шартни қаноат-лантиради.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация изотроп фазода сиртлар назариясини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Изотроп фазо Миновский фазосини қисм фазоси эканлиги исботланган;
2. Берилган сирт ва унинг қўшма образининг иккинчи квадратик формалари тенглиги исботланган;
3. Қўшма сиртнинг евклид нормал анолиги ва махсус нормал ёрдамида аниқланган ўрта эгриликлари ўзаро тенглиги исботланган;
4. Сиртни ташқи эгриликка, шартли ташқи эгриликка ва тўла эгриликка кўра тиклаш масалалари ўзаро эквивалентлиги исботланган;
5. R_3^2 изотроп фазода берилган тўла ва ўрта эгрикликларга кўра сиртнинг мавжудлик хақидаги теоремелери исботланган;
6. Монж-Ампер тенгламасининг ечимининг геометрик хоссалари изотроп фазо харакати ёрдамида топилган;
7. Изотроп фазода хақиқий сиртлар учун Коши-Риман шарти аналоги топилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.19.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ИСМОИЛОВ ШЕРЗОДБЕК ШОКИРЖОН УГЛИ

ТЕОРИЯ ПОВЕРХНОСТЕЙ В ИЗОТРОПНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2022 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.3.PhD/FM750.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Артикбаев Абдуллаазиз** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Тужилин Алексей Августинович** доктор физико-математических наук, профессор
	Заитов Адилбек Атаханович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами**

Защита диссертации состоится «____» ____________2022 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, института Математики. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» ______________2022 года.
(протокол рассылки №________ от «____» ______________2022 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., академик

Н.К. Мамадалиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.ф.ф.-м.н. (PhD)

А.Я.Нарманов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования, проводимые на мировом уровне, в большинстве случаев сводятся к исследованию проблемы современной геометрии в полуевклидовом пространстве. Изучение геометрических характеристик поверхностей в изотропном пространстве и определение инвариантов, сохраняющихся при двойственном отображении, в силу того, что изотропное пространство самодвойственное, имеют важное значение. Изотропная пространства играет важную роль в решении современных вопросов из разделов теории относительности физики и квантовой механики. Поэтому результаты, полученные в области геометрии поверхностей в изотропном пространстве, являются как теоретически, так и практически значимыми и считаются одним из актуальных направлений современной математики.

В настоящее время в мире интенсивно развиваются научные исследования по геометрии изотропного пространства. В этом пространстве все большее значение приобретают задачи современной геометрии: теория поверхностей в изотропном пространстве, дифференциальные инварианты линии и поверхности, изучение геометрии изотропных частей. В связи с этим нахождение геометрических инвариантов, возникающих в результате изотропного пространственного движения, определение дифференциальных характеристик поверхностей в случае вырожденной метрики, восстановление линий и поверхностей по заданным геометрическим характеристикам и изучение в этом пространстве классических задач геометрии, связанных со специально полученной метрикой, являются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране особое внимание уделяется современным направлениям геометрии и топологии, имеющим фундаментальное научное и практическое применение математики. Поэтому, в последние годы особое внимание уделяется изучению вопросов теории поверхностей в геометрии неевклидовых пространств. То есть решались вопросы существования и единственности линий или поверхностей с заданными характеристиками в Галилевом, изотропном и Минковиском пространства. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математики наук на уровне международных стандартов по важным направлениям специальности «Алгебра, теория динамических систем, геометрия и топология и т.д.» рассматривается как важная задача фундаментальных исследований[2]. В связи с этим развитие теории поверхностей в изотропном пространстве является важным вопросом при решении задач дифференциальных уравнений, комплексного анализа, геометрия и топология.

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в постановлениях № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан» и № ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» и № ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан», и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы.

Геометрия изотропного пространства относится к геометрии пространств с вырожденными метриками. Первоначально работы по геометрии изотропного пространства появились в начале XX века. В монографии Б.А. Розенфельда даны определения псевдоевклидова пространства и полуевклидовой пространственной геометрии, т.е. пространства с вырожденной метрикой. Дифференциальную геометрию кривых и поверхностей в трехмерном изотропном пространстве изучал К. Штурбекер. Изотропное пространство является одним из полуевклидовых пространств. Часть исследования монографии А.Артыкбаев и Д.Д.Соколовым посвящена решению задачи восстановления поверхности в полуевклидовом пространстве в соответствии с заданной внешней кривизной. В изотропном пространстве полная кривизна поверхности будет связана с оператором Монжа-Ампера, А.Артикбаев доказал существование и единственность решения уравнения Монжа-Ампера в невыпуклой области в пространстве Галиллея

